



**“ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ‘МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ’
БИЛАН ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ”**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 308-гуруҳ курсанти
Зокиров Мардон Зоҳиджон ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон
ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, майор
Ниматов Шерзод Ниматжонович*

Аннотация

Мақолада профилактика инспектори фаолиятининг маҳалла еттилиги ходимлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва маҳаллаларда хавфсиз ҳамда барқарор муҳитни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган давлат сиёсати ва ислохотлар таҳлил қилинган. Маҳалла институти фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини жойида ҳал қилиш, фуқаролар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва давлат идоралари билан самарали ҳамкорликни таъминлашда асосий роль ўйнаши қайд этилган. Мақолада “маҳалла еттилиги” тизими, профилактика инспектори ваколатлари, электрон маълумот алмашиш ва ижтимоий дастурлар орқали фаолиятни мувофиқлаштириш механизмлари, шунингдек қонунчилик асослари таҳлил қилинган. Хулоса қилинади, маҳалла еттилиги билан ҳамкорликда профилактика инспектори фаолияти жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликларни камайтириш, аҳоли муаммоларини самарали ҳал этиш ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:**

профилактика инспектори, маҳалла еттилиги, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, ижтимоий профилактика, маҳалла, барқарорлик, электрон маълумот алмашиш, ижтимоий ёрдам, жамоат хавфсизлиги.

Жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва маҳаллаларда хавфсиз, барқарор муҳитни таъминлаш бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69–70-моддаларида фуқаролик жамияти институтлари сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти белгилаб қўйилган бўлиб, маҳалла институти жамият ва давлат ўртасидаги энг яқин бўғин сифатида алоҳида ўрин тутди. Маҳалла – аҳолининг ижтимоий муаммоларини жойида ҳал этиш, фуқаролар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини таъминлаш ва давлат идоралари билан мулоқотни ташкил этувчи муҳим фуқаролик институтидир. Мамлакатимизда маҳалла тизимини такомиллаштириш, айниқса фуқароларнинг муаммоларини биринчи бўғинда ҳал этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси президентининг ПФ–209-сон фармони ҳамда маҳаллаларни қўллаб-қувватлашнинг янги бошқарув тизимини жорий этган тартиботлар натижасида “маҳалла еттилиги” амалиёти шакллантирилди. Ушбу тузилма маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори каби масъулларнинг ягона мақсад – аҳоли фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида бирлашган ҳолда иш олиб боришини таъминлайди. Айниқса, профилактика инспектори фаолиятини маҳалла еттилиги билан мувофиқлаштириш жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим механизм сифатида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. 2024 йил 30 ноябрда қабул қилинган Вазирлар



Маҳкамасининг 801-сон қарори “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида ижтимоий профилактика тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиб, профилактика инспекторининг маҳалла билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтарди. Идоралар ўртасида ягона электрон маълумот алмашиш тизимининг жорий этилиши, “ижтимоий дафтарлар”нинг коллегиял тартибда юритилиши, жиноятларга мойил шахсларни аниқлаш ва улар билан индивидуал ишлаш механизмларининг такомиллаштирилиши соҳада самарадорликни оширмоқда. Ўзбекистонда кечаётган янги давр ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири — жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этишга қаратилган маҳалла институтини тубдан такомиллаштиришдир. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Маҳалла — биз учун фақат маъмурий тузилма эмас, балки одамларни бирлаштириб турадиган, муаммоларни биринчи бўлиб кўрадиган ва уларни ҳал қилишда асосий кучга айланаётган беқиёс институтдир.”¹ Шунингдек Ш.М.Мирзиёев **“Жиноят содир бўлганидан кейин эмас, унга олиб келадиган омилларни илгаридан аниқлаш — бугунги юртимиз хавфсизлик сиёсатининг асосий йўналишидир. “Маҳалла – давлатнинг асосий пойдевори. Агар маҳалла обод бўлса, демак, мамлакат ҳам обод бўлади. Зотан, давр шиддатли. Қайси оилада можаро бўлмайди? Қайси давлатда қийинчиликлар бўлмайди? Биз ўз режаларимизни сабр билан, фанга, меҳнатга ва амалий ишларга таянган ҳолда амалга оширамыз.”**² деб билдирган фикрлари ҳам профилактика инспекторлари фаолиятини маҳалла билан электрон ахборот алмашиш, коллектив қарор қабул қилиш ва ижтимоий дастурлар орқали мустаҳкамлашда ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

¹ https://president.uz/en/lists/view/276?utm_source

² <https://www.uzdaily.uz/en/shavkat-mirziyoyev-mahalla-the-fundamental-foundation-of-the-state/?utm>



“Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда профилактика инспекторининг ваколатлари, маҳалла билан ўзаро ҳамкорлик усуллари аниқ белгилаб берилган бўлиб, бу профилактика ишларининг тизимли, манзилли ва комплекс олиб борилишига ҳуқуқий асос яратади. Маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлашда, ижтимоий хавфли шахслар билан ишлашда, маъмурий ишлар юзасидан ахборот тақдим этишдаги иштироки профилактика инспектори фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан, профилактика инспекторининг маҳалла еттилиги ходимлари билан фаолиятини такомиллаштириш — маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, жиноятчиликни камайтириш ва аҳоли муаммоларини самарали ҳал этишнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Президент Ш.Мирзиёев ўз нутқларида бир неча бор шунга урғу берганки, “Ҳар бир оила, ҳар бир маҳалланинг дарди ва муаммосига бефарқ бўлмаслик — бугунги кунда давлат идоралари фаолиятининг асосий мезони бўлиши шарт.”Шунинг учун ҳам маҳалла тизими мамлакати-мизда аҳолининг кундалик турмушида энг таъсирчан, ечимга йўналтирилган тузилма сифатида қайта ташкил этилмоқда.

Аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69–70-моддалар мазмунидан келиб чиқиб, **маҳалланинг** ўрни ва аҳамиятини таъкидлаш лозим. Маҳалланинг мазкур моддалардаги аҳамияти сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

-Фуқаролик жамияти институти сифатида аҳамияти (69-модда билан боғлиқ) мазкур моддага кўра, фуқаролик жамияти институтларига жамоат бирлашмалари, ННТлар, ОАВ билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам киради. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органи деганда, аввало, маҳалла институти тушунилади. Демак, маҳалла давлат ва фуқаро ўртасидаги энг яқин бўғин сифатида, фуқаролик жамиятининг асосий



унсури ҳисобланади, аҳолининг ўз манфаатларини ўзи бошқариши, муаммоларини жойларда ҳал этиши, ижтимоий адолатни таъминлашда иштирок этиши учун ҳуқуқий асосга эга, жамоат назорати, жамоавий ҳамжиҳатлик, жойлардаги ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

-Жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни (70-модда билан боғлиқ) бу моддада турли жамоат бирлашмалари рўйхати келтирилган ва уларни тарқатиш фақат суд орқали амалга оширилиши қайд этилган. Маҳалла бевосита жамоат бирлашмаси деб аталмаган бўлса-да, унинг ҳуқуқий мақоми жамоат бирлашмаларига яқин бўлиб маҳалла фуқароларнинг ихтиёрий иштирокига асосланган, ўхудудида аҳоли манфаатини ҳимоя қилади, жойлардаги ижтимоий, маданий, гуманитар ташаббусларни қўллаб-қувватлайди, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда фуқаролик жамиятини ривожлантиради. Шу билан бирга, 70-моддадаги тамойил — жамоат бирлашмаларини чеклаш фақат суд томонидан амалга оширилиши — маҳалла фаолиятининг ҳам ҳуқуқий кафолатлар билан ҳимояланганини кўрсатади. Маҳалла мустақил ва қонун асосида ишлайди, унинг фаолияти маъмурий тарзда чекланиши мумкин эмас.

Сўнгги йилларда маҳалла институти аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларни тезкор ҳал қилишда давлат ва фуқаро ўртасидаги энг ишончли бўғинга айланди. Ушбу қарор эса маҳалла фаолиятини халққа яқин, самарали ва тизимли қилишга хизмат қилади. Ҳар бир маҳаллада муаммоларни жойида аниқлаш, уларни комплекс ёндашув асосида ҳал этиш, хавфсизлик ва осойишталикни таъминлаш — қарорнинг асосий мақсадидир. Бу эса маҳалладаги тартибот, ижтимоий барқарорлик ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сон «“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими



самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»³ги қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарор билан ижтимоий профилактика тизимини рақамлаштириш орқали самарадорлик оширилади, «Маҳалла еттилиги» фаолиятининг ҳуқуқий асоси кучайтирилади, давлат органлари ўртасида электрон ҳамкорлик мустаҳкамланади. Масалан агар Президентнинг ПФ-209-сон Фармонида асосан «маҳалла еттилиги» таркиби маълумот учун қабул қилинган. Бу эса маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, солиқ инспектори фаолиятини ҳамкорликда, бир йўналишда ташкил этишга имконият беради, натижада ҳар бир оила ва фуқарога комплекс ёрдам кўрсатиш имкони кенгайди. Шунингдек Ички ишлар вазирлиги, Бандлик вазирлиги, Ёшлар агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Солиқ қўмитаси каби идоралар ўртасида ягона электрон маълумот алмашиш тизими йўлга қўйилади. Бу эса профилактикага муҳтож шахсларни аниқлашни енгиллаштиради, ёрдам турларини манзилли етказишни таъминлайди, такрорий ҳуқуқбузарликларни камайтиришга хизмат қилади.

Маҳалла — бу Ўзбекистонда аҳолининг энг қуйи даражадаги ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб, жамоатчилик асосида фаолият юритадиган, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини жойида ҳал этишга ёрдам берувчи маҳаллий тузилмадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–209-сон «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»⁴ги фармони билан маҳалла институти энди нафақат ўзини ўзи бошқариш органи, балки аҳоли муаммоларини биринчи бўлинда ҳал этувчи, давлат билан халқ ўртасидаги «кўприк» вазифасини бажарадиган мустақил ва

³ <https://lex.uz/docs/7243832>

⁴ <https://lex.uz/docs/6705763>



таъсирчан тузилма сифатида шакллантирилди. Конституциянинг 127-моддасида белгиланган имкониятлар амалда кенгайтирилди. Маҳаллаларни қўллаб-қувватлашнинг янги бошқарув тизими яратилди. Мазкур фармонни мазмунини таҳлил этилганда фармон битлан:

-Республика, вилоят, туман ва шаҳарларда “Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари” ташкил этилди;

-Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилиб, унинг раҳбарларининг мақоми вилоят ва шаҳар ҳокимининг ўринбосари даражасига тенглаштирилди. Бу тузилмалар маҳаллаларнинг имкониятларини кучайтириш, муаммоларни тезкор ҳал этишга хизмат қиладиган бўлди. Бундан ташқари “Маҳалла еттилиги” – маҳаллани бошқаришнинг янги амалиётга айланди. Маҳаллада жамоатчилик асосида ишловчи 7 нафар масъулдан иборат янги тизим жорий этилди. маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, солиқ инспектори, бу еттилик аҳолининг барча ижтимоий муаммоларини жойида ҳал этиш, даромадли бандликка кўмаклашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, оилалар билан ишлаш ва аҳолининг турмуш сифатини яхшилашга масъул этиб белгиланди. Маҳалла раиси ва “еттилик”нинг аниқ вазифалари белгилаб берилди, ҳар бир масъулнинг вазифалари фармонга илова сифатида тасдиқланган. Жумладан маҳалла раиси – ободлик, ижтимоий муҳит, давлат идоралари вакилларининг ишини мувофиқлаштириш, ҳоким ёрдамчиси – бандлик, тадбиркорлик, камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар фаоли – аёллар муаммолари, оилавий мустаҳкамлик, зўравонлик ҳолатларини бартараф этиш, ёшлар етакчиси – ёшлар бандлиги, таълим, иқтидорни ривожлантириш, ижтимоий ходим – оғир аҳволдаги оилалар билан индивидуал ишлаш, профилактика инспектори – хавфсизлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, солиқ инспектори – солиқ базасини кенгайтириш, маҳалла бюджети даромадларини шакллантириш, ижтимоий



ёрдам ва субсидиялар кўрсатишнинг янги шаффоф механизми каби вазифаларни бажарадиган бўлди. Булардан ташқари фармон билан «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари» орқали ёрдамлар энди “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори билан белгиланади, ёрдамларни тақсимлашда адолат, шаффофлик, манзиллик тамойиллари кучайтирилди, ҳужжатларни тайёрлаш ва ижтимоий ёрдам турлари қатъий тартибга солинди. Ушбу механизм давлат ижтимоий ёрдамини маҳалла даражасида оддий, тезкор ва манзилли қилиб берилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун⁵ 11-моддасига кўра Ички ишлар органлари ўз вазифаларини бажаришда давлат органлари, маҳалла ва бошқа ташкилотлар билан белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади. Ушбу ҳамкорлик жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар ҳамда бошқа зарур ахборотларни ўзаро алмашиш орқали амалга оширилади. Маълумот алмашиш жараёни нафақат анъанавий, балки электрон шаклда ҳам ташкил этилиши мумкин. Бу эса ички ишлар органларининг фаолиятини самарали, тезкор ва мувофиқлашган ҳолда олиб боришга хизмат қилади. Қисқа қилиб айтганда мазкур қарор ижтимоий профилактикага махсус йўналтирилган маҳаллалардаги ижтимоий муаммоларни эрта аниқлаш ва уларни ҳал қилиш учун “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили доирасида тизимли чораларни белгиласа, «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар» тўғрисидаги ПҚ-1 сон қарор⁶ кенг қамровли стратегик мақсад: 2025 йилда маҳаллаларда хавфсизлик муҳитини яхшилаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тизимини кучайтиришни белгилайди. ПҚ-1 сон қарор (президент

⁵ <https://lex.uz/docs/3027843?ONDATE=14.03.2024>

⁶ <https://www.lex.uz/docs/7330260>



қарори) — кенг стратегик “рамка” ҳисобланади, унда маҳаллаларда хавфсизликни таъминлаш учун умумий йўналишлар ва мақсадлар белгиланган. ВМҚ-801 эса — ПҚ-1 сон қарор доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган конкрет механизмлар ва чора-тадбирлардан бири, яъни ижтимоий профилактика тизимини жорий этишни таъминлайди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ВМ-801 сон қарори “ПҚ-1” сон қарор стратегиясининг бир қисми бўлиши мумкин: стратегик мақсад (профилактика ва хавфсизлик) учун тактик амалий механизмларни формалаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 801 сон қарори профилактика инспекторининг маҳалла билан жамият даражасида самарали ҳамкорлик қилишини ҳукуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Бу ҳамкорлик электрон маълумот алмашиш, жамоат ресурсларини бирлаштириш, ҳамда ижтимоий ёрдам дастурлари орқали амалга оширилади. Натижада, маҳалла даражасида ҳуқуқбузарликка мойил шахсларга самарали профилактика чоралари кўрилади, жамоат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорлик янада яхшиланади. Маҳалла — жамоатнинг энг кичик, “маҳаллий” даражаси, ҳаммага яқин. Профилактика инспектори маҳалла билан ишлаш орқали ҳуқуқбузарликка мойил, ёки ижтимоий хавфли шахсларни жойдан аниқлай олиш имконига эга бўлади⁷. Маҳалла еттилиги (маҳалла раҳбарларининг жамоат тузилмаси) профилактика инспекторининг ҳамкорликдаги муҳим субъекти ҳисобланади. Қарорда “маҳалла еттилиги” иштирок этувчи сифатида кўриф берилган⁸.

Профилактика инспектори – ҳудудда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш учун маҳалла даражасида иш олиб боровчи ички

⁷ https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text204909_mahallalarda_ijtimoiy_profilaktika_tadbirlari_utkaziladi?utm

⁸ https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/mahallalarda_ijtimoiy_profilaktika_tadbirlari_utkaziladi?utm



ишлар органи ходими ҳисобланади. У ўз вазифаларини бажаришда маҳалла фаоллари билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Маҳалла етилиги эса ҳудуддаги тартиб, хавфсизлик, ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилган 7 нафардан иборат жамоатчилик тузилмасидир. Профилактика инспектори ва маҳалла етилиги ўртасидаги ҳамкорлик мазмуни қуйидагиларда номоён бўлади:

1. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишда-ҳудудда юзага келиши мумкин бўлган ювенал, маиший, маиший зўравонлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий ҳолатларни аниқлаш, профилактик суҳбатлар ўтказиш, норозилик, низоларни бартараф этишда маҳалла фаоллари билан биргаликда иш юритиш;

2. “Хавфсиз маҳалла” тизимини йўлга қўйиш-видеокузатуў қурилмаларини ўрнатиш ва назорат қилишда аҳоли билан ҳамкорлик, ҳовлилар, кўчалар ва кўп қаватли уйларда хавфсизлик талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

3. Ёшлар билан ишлаш- оғир аҳволдаги, тарбиясида муаммо бўлган ёшларни рўйхатга олиб, улар билан манзилли иш олиб бориш, ёшлар етакчиси билан биргаликда спорт, маданий ва маърифий тадбирлар ташкил этиш, жиноят ёки ҳуқуқбузарликка мойил бўлган ёшларни назорат қилиш ва ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш;

4. Хотин-қизлар билан ишлашда-хотин-қизлар фаоли билан бирга оилалардаги муаммоларни аниқлаш, маиший зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, аёлларни қўллаб-қувватлаш дастурларига йўналтириш;

5. Ижтимоий дафтарлар билан ишлашда- “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”даги фуқаролар ҳолатини ўрганиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш механизмларини ишга тушириш, иш билан таъминлаш, касбга ўқитиш масалаларида давлат ташкилотлари билан боғлаш;



6. Жамоат тартибини таъминлашдла-байрамлар, оммавий тадбирлар, маросимларда хавфсизлик чораларини таъминлаш, тунги тартиб, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, қонунбузарлик содир этган шахслар бўйича чора кўриш ва жамоатчиликка ахборот бериш. Умумий олганда профилактика инспектори ва маҳалла еттилиги ўртасидаги ҳамкорлик — маҳалладаги тинчлик, хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган муҳим механизмдир. Улар биргаликда аҳоли билан доимий мулоқот қилиб, ҳукуқбузарликларнинг олдини олади, муаммоларни барвақт аниқлаб, тегишли чораларни кўради. 2014 йил 14 майда қабул қилинган Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида⁹ги Ўзбекистон Республикаси Қонун⁹га кўра, ҳукуқбузарликлар профилактикаси — жамиятда ҳукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган давлат ва жамоат фаолиятидир. Унинг аҳамияти қуйидаги асосий йўналишларда намоён бўлади:

-Қонунга мувофиқ профилактика — жазо бериш эмас, ҳукуқбузарликка олиб келадиган омилларни илгаридан аниқлаш ва йўқотишга қаратилган. Бу дегани муаммо содир бўлишидан аввал чора кўрилади, аҳолида хулқ-атвор тузатилишига шароит яратилади, жамиятда барқарорлик таъминланади. Бу усул жиноятчиликни камайтиришда энг самарали механизм ҳисобланади;

-Қонун профилактиканинг асосий принципларидан бири сифатида шахсларга ҳуқуқий, психологик, ижтимоий ёрдам бериш, уларни жиноятга мойил ҳолатдан чиқариш каби вазифаларни белгилайди. Бу жиноят содир этилиши эҳтимоли бўлган ёшлар, муаммоли оилалар, ишсизлар, ижтимоий хавфли шахслар учун жуда муҳим. Профилактика уларни жамиятга қайта интеграция қилади. Давлат органлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайди;

⁹ <https://lex.uz/uz/docs/2387357>



-Қонунда профилактика ишини ички ишлар органлари, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими, маҳалла органлари, ижтимоий хизматлар билан ҳамкорликда ташкил этиш белгиланган. Бу тизим маълумотлар алмашинувини, тезкор чора кўришни, муаммони комплекс ҳал этишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг МЖТК нинг 248-модда 2-қисми 4-бандига кўра, профилактика катта инспектори ва инспекторлари қуйидаги моддалар бўйича маъмурий ишларни кўриб чиқишга ваколатли ва моддалар рўйхати: 47-модда (1-қисми), 54-модда, 56¹-модда, 110-модда (1-қисми — фуқароларга нисбатан), 111-модда (1-қисми), 113-модда (1, 2, 4, 5-қисмлар), 114-модда, 122-модда, 161-модда (фуқароларга нисбатан), 187-модда (1-қисми), 188-модда, 188²-модда, 192-модда, 221-модда, 223-модда (1-қисми), 223¹-модда, 223³-модда. Кодекснинг 248-модда 4-қисмига кўра, профилактика инспекторлари қуйидаги моддалар бўйича баённома тузишга ҳақли бўлиб, профилактика инспектори баённома тузиши мумкин бўлган моддалар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: 47-модда, 56¹-модда, 63-модда, 72-модда (ер ости сувларига оид қисми мустасно), 79-модда ва бошқалар. Маҳалла фуқаролар йиғини:

-ҳудудда юзага келаётган муаммолар ҳақида профилактика инспекторини хабардор қилади;

-ҳуқуқбузарлик содир этиши эҳтимоли юқори бўлган шахслар тўғрисида маълумот беради;

-ҳуқуқбузарликка мойил оилалар, ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни рўйхатга олишда иштирок этади. Ушбу 47, 110, 111, 113, 122, 123, 127, 128⁶, 161, 187, 221, 223, 224-моддалар бўйича ишларни кўриб чиқишда жуда муҳим.

Профилактика инспектори:

-маҳалла профилактика комиссияси йиғилишларида иштирок этади;



-хуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисоби ва мониторингини маҳалла билан биргаликда юритади;

-оилалар, қаровсиз ёшлар, ичкиликбозликка мойил шахслар бўйича мунтазам профилактика ишларини олиб боради. Бу 113, 114, 188, 188², 192-моддалардаги тартиббузарликлар бўйича муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек 248-модда тўртинчи қисмида кўрсатилган моддаларда (63, 72, 79, 88, 90, 91, 101-моддалар ва бошқалар) баённома тузишда маҳалла қуйидаги ёрдамни беради:

-хуқуқбузарлик содир этилган жой маълумотини тақдим этади;

-маҳалладаги экологик муаммолар, чиқинди ташлаш, сувдан ноқонуний фойдаланиш каби ҳолатларни профилактика инспекторига маълум қилади;

-хуқуқбузарлик ҳақидаги шикоятларни қабул қилади ва инспекторга етказди ва бу билан маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомаларни расмийлаштиришда ҳамкорлик қилади. Маҳалла қуйидагиларни таъминлайди:

-маъмурий жарима, огоҳлантириш ёки бошқа таъсир чоралари қўлланилган шахсларнинг ҳулқини назорат қилиш;

-такроран хуқуқбузарлик содир этиш хавфини баҳолаш;

-инспектор билан ҳамкорликда профилактик суҳбатлар ташкил этиш;

-маҳалла комиссиялари орқали ижтимоий ёрдам бериш (зарур ҳолларда). Бу айниқса 147, 148, 161, 187, 223, 223¹, 223³-моддалар бўйича амалга оширилади ва бу билан қарорларни ижро қилишда ва назоратда ҳамкорликни амалга оширади. Хулоса қилиб айтганда маҳалла еттилиги ва профилактика инспектори ҳамкорлиги — маҳаллаларда хуқуқбузарликларни олдини олиш, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим механизм ҳисобланади. Ушбу тизим ваколатлар, электрон маълумот алмашиш ва ижтимоий дастурлар орқали самарали фаолият юритишни таъминлайди. Маҳалла ва профилактика



инспектори ҳамкорлиги аҳоли хавфсизлиги ва фаровонлигини оширишда давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Mirziyoyev, Shavkat. “Mahalla should embody the principles of justice in our society”. Official web-site of the President of the Republic of Uzbekistan, 25.02.2017.

2. Mirziyoyev, Shavkat. “Mahalla – the fundamental foundation of the state”. UzDaily, 18.02.2022.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.11.2024 йилдаги 801-сон қарори “Обод ва хавфсиз маҳалла тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-209-сонли фармони, 21.12.2023 йил: “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашига қаратилган чора-тадбирлар” тўғрисида. Lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни, ЎРҚ-407-сон, 16.09.2016. Lex.uz.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-1-сонли қарори, 03.01.2025 йил: “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари” тўғрисида. Lex.uz.

7. Нурбердиев, Собир. “Маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирлари ўтказилади”. Газета Norma, 03.12.2024.

8. “Маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирлари ўтказилади”. Norma.uz, 03.12.2024.